



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримов
Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!
Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сизга ўзининг самимий табрикларимни ва Ўзбекистон халқига фаровонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда мустақамланиб, шунингдек, Европа Иттифоқи билан муносабатлар доирасида янада кенгайиб бораверади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустақамланаверсин, Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик ва фаровонлик тилайман.

Жоржо НАПОЛИТАНО,
Италия Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримов
Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси ўз миллий байрами нишонлаётган ушбу фурсатдан фойдаланиб, Швейцария Федерал Кенгаши ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимизни йўллаб, сизат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингизга тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Дорис ЛОЙТХАРД,
Швейцария Конфедерацияси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримов
Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Австралия ҳуқуқати, халқи ва ўз номидан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларимни ихор этишга ихозат бергайсиз.

Кейинги икки йилда Австралия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янги поғонага кўтарилди ва, умид қиламанки, ушбу юксалиш жараёни бундан буён ҳам изчил давом этаверади. Австралия Ҳазначилиги раҳбарининг ўринбосари бошчилигидаги мамлакатимиз расмий кишилари нуфузли делегациясининг Тошкент ва Самарқандга ташрифи ўзаро муносабатларимизда муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг Сингапурдаги ўз Фавкуллода ва Мухтор элчисини Австралиядан норезидент-элчи сифатида аккредитациядан ўтказиш режаси мени гоят қувонтирди ва тез орада у билан учрашишдан умидворман. Ишончим комилки, икки томонлама муносабатларимизни ривожлантириш йўлидаги бу қадам гоят самарали бўлади.

Жаноби Олийлари, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан кейин ҳам мустақамланиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билдиришга ихозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила,

Квентин БРАЙС,
Австралия Генерал-губернатори.

ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛИ КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧМОҚДА



Ўзбекистон эришган улкан ютуқлардан бири — денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда барпо этилган, Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” темир йўли, мана, уч йилдирки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.



Тошгузар ва Қумқўрғонни боғлаган, узунлиги 223 километр бўлган темир йўл линияси бир кеча-кундузда 14 жуфт поездни ўтказиш имкониятига эга. Ушбу магистралнинг узлуksиз фаолияти туфайли йirik индустриал лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиётгани бугун мамлакатимиз ҳукуматида уни бунёд этиш борасидаги қарори нечоғли чуқур ўйлангани ва узққни қўзлаганлигидан далолат беради.

Бугун ҳаётнинг ўзи Президентимизнинг, бу объект биз учун нафақат стратегик муҳим транспорт йўли, балки мамлакатимиз жанубий минтақаси —

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини барқарор иқтисодий ривожлантириш, уларда ҳаётий аҳамиятга эга ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини юксалтиришда катта омили бўлиб хизмат қилади, деган фикрининг нечоғли ҳаққонийлигини тасдиқламоқда.

Кўпгина жиҳатлари билан ажралиб турувчи ноёб, энг муҳими, Ўзбекистон учун гоятда аҳамиятли бўлган ушбу объектнинг барпо этилишига 447,4 миллиард сўм капитал қўйилмалар, жумладан, Япония Халқаро ҳамкорлик банкнинг 151,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит маблағлари йўналтирилди.

Мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу темир йўл қурилишининг тарихга айланган босқичларини эслаб ўтиш жоиздир.

Янги темир йўл линиясида қурилиш ишлари уч босқичда амалга оширилди. Лойиҳа тегишли тартибда мувофиқлаштирилган, “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан 1998 йилда “Тошгузар — Деҳқонбод”, 1999 йилда эса “Бойсун — Қумқўрғон” қисмларида қурилиш ишлари бошланди. Янги линиянинг энг мураккаб бўлган учинчи қисмида қурилиш ишларини бошлаш мақсадида

Япония билан ҳукуматлараро битим имзоланди. Ушбу ҳужжатга биноан, 2001 йил 16 июлда Япониянинг Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш учун грант ажратди.

Босқичма-босқич тупроқ ишлари амалга оширилди, кўприклар, йўл ўтказгичлар, зарур инфратузилма ва вокзаллар қурила бошланди...

Мураккаб тоғ шaroитида барпо этилаётган янги темир йўл линиясининг денгиз сатҳидан 1800 метрдан ортққ баландликда, чўққи даражасидаги тоғ тизмасини кесиб ўтиши кўплаб қийинчиликларни юзага келтирди. Та-

бийки, бу ерда энг илгор технологиялар, замонавий ускуналар ишга солинди.

Янги темир йўлни бунёд этиш давомида жами 37 кўприк, галерея ва туннель барпо этилди, 5 вокзал (“Тошгузар”, “Деҳқонбод”, “Оқрабоб”, “Дарбанд” ва “Бойсун”), 15 ажратма шохобча, шу жумладан, 7 станция ва 8 разъезд қад рoстлади.

Линиянинг 81-километридаги узунлиги 234,2 метрни ташкил этган ва Марказий Осиёда ягона бўлган кўприк қурилиши муҳандислик-техник нуқтани назардан энг мураккаб ишлардан бири бўлди.

(Давоми 2-бетда).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувofiқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолининг электрон реестрини яратишга оид фаолиятини тақомиллаштириш, Тошкент шаҳар Сергели туманида

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали “Ягона ойна” — давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрда қабул қилинган

“ZiyoNet” ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг ижроси, “Ахборот тизимларида электрон рақамли имзонинг очик қалитлари сертификатларини қўллаш ва ҳақиқийлигини эътироф этиш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда давлат

органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерактив давлат хизматларини кўрсатиш талабларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш ва аҳолининг электрон реестрини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда вазирлар тўғрисидаги тақлиф ва мулоҳазалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

«नावоий» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҚУДУДА ДАСТЛАБКИ БЕШ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

2010 йил август ойининг охирида, Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида электроника, автомобиль қисмларини ишлаб чиқарувчи, полимер ва озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган бешта корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дастлабки бешта рақамли телевидение учун йилгига 50 миң дoна прибёмник ишлаб чиқарадиган “Telecom Innovations” қўшма корхонаси ҳам қиради. Ушбу корхона “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ва Сингапурнинг “Servetechno Pte.Ltd” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,6 миллион долларни ташкил қилади. Янги корхона 30 нафардан ортик ёш мутахассисни иш билан таъминлади. Уларнинг аксарияти маҳаллий касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Шунингдек, полиэтилен ва полипропилен қувурлар ишлаб чиқарадиган яна икки завод ҳам ишга тушди. “Полиэтилен қувурлари” корхонаси диаметри 75 дан 630 миллиметргача бўлган 8,6 миң тонна полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда қарийб 70 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, унинг экспорт ҳажми 5,9 миллион доллардан ошади. Йилгига 2300 погон километр қувватга эга “Полипропилен қувурлари” корхонаси эса диаметри 16 дан 63 миллиметргача бўлган полипропилен

кувурлар ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,2 миллион долларни ташкил қилади. Корхона 40 нафардан ортик ёш мутахассисни, хусусан, маҳаллий касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлади. Бу ерда келгусида 50 фoизгача бўлган тайёр маҳсулотни экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Яна бир янги корхона — “UzEgaeCable” қўшма корхонаси “Узавтосаноат” акциядорлик компанияси ва Корея Республикасининг “Egae cs Ltd” компанияси томонидан ташкил этилди. Мазкур корхона йилгига 150 миң кило-

метр автомобиль симларини ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 13,0 миллион долларни ташкил этади. “GM Uzbekistan” заводи учун автомобиль жугурларини ишлаб чиқарадиган “ЎзКоджи” қўшма корхонаси ушбу янги корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг асосий буюртмасисидир. Шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 20 фoизини “General Motors”нинг яқин мамлакатлардаги корхоналарига экспорт қилиш кўзда тутилган.

“AgroFresh” корхонаси “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида биринчилардан бўлиб очилган қўшма корхоналар сирасига қиради. Ушбу янги корхона “Markazsanoatekспорт” ГАВК ва Бирлашган Араб Амирикларининг “Kefayat General Trading

Со” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Қўшма корхона 3000 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш имконини берадиган, ҳарорат газ орқали мушаррафлашган, Италиянинг булзатиш ускуналари билан жиҳозланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,03 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда йиғирмадан ортик янги иш ўринлари яратилди. Корхона маҳсулотининг қарийб 50 фoизи экспортга чиқарилади.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни Исроил халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийлари самимий табрикларни изҳор этиш ҳамда Сизга мустақам сичат-саломатлик, мамлакатингизга тинчлик ва тараққиёт тилаб билдирган энг эзгу истакларни йўллаш имкониятини берганидан гоят мамнунман.

Шимон ПЕРЕС,
Исроил Давлати Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислам Абдуганиевич!
Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини миллий байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Серж САРГСЯН,
Арманистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, мустақам сичат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистонни янада равнақ топтириш ва мамлакатингиз халқи фаровонлигини юксалтириш йўлидаги ўта масъулиятли ва шарафли фаолиятингизга улкан самаралар тилайман.

Рустам МИННИХОНОВ,
Татаристон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич!
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистоннинг биродар халқига татаристонликларнинг энг самимий табрикларини йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади. Ушбу айёмда мамлакатингиз халқининг қувончига шерик бўлиб, барча ҳамюртларингизга фаровонлик ва бахт-саодат, мамлакатингизга янада равнақ ва тараққиёт тилаймиз. Мустақил Ўзбекистоннинг халқроқ майдондаги, давлат қурилиши ва иқтисодий соҳадаги улкан ютуқлари бутун мамлакатингиз халқини бунёдкорликка чорлаб, янги марралар сари ундайверсин!

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, келгусида ҳам Россия — Ўзбекистон ҳамкорлиги доирасида Татаристон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берасиз, деган умиддаман.


МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Мамлакатимизда илк бор Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали "Ягона ойна" — давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси амалга оширилганлиги ва ушбу марказ орқали фуқароларга қатор енгилликлар яратилганлиги таъкидланди ҳамда бундай марказларни юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам очиб масалалари бўйича таъкирлар берилди.

Шу йил 4 сентябрь куни Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Экоҳаракатнинг 2009 йилнинг декабридан 2010 йилнинг августига қадар бўлган давридаги фаолияти яқунлари қўриб чиқилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки беш корхона иш бошлади

Иқтисодий зонаси ҳудудидаги корхоналарнинг асосий фаолияти этиб қуйидаги йўналишлар белгиланган: автомобилсозлик, аниқ машинасозлик, электроника ва электр техникаси, фармацевтика ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, пластмассаларни қайта ишлашга замонавий, юқори самарали усуллар, инновация технологияларини жорий қилган ҳолда, кенг турдаги юқори технологияли, экспортга йўналтирилган, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш.



ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛИ КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу иншоотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уни трассанинг 350 метр радиусли ёйсимон қисмида баландлиги 43 метрни ташкил этувчи таянч устуналари қўриб туради. Бутун темир йўл магистралнинг замонавий оптик-тонали алоқа билан жиҳозланганлиги поезدلр қатновининг юксак хавфсизлигини таъминлаш, йўлнинг ўтказувчанлик қобилиятини максимал даражада фойдаланиш имкониятини беради. Станция ва разъездларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари, шу жумладан, юклаш ва юкларни тушириш, темир йўл юкларини сақлаш, машина ва механизмларни жиҳозлаш ҳамда таъмирлаш ишларини ташкил этишга доир замонавий талабларга жавоб берувчи подстанциялар, энергия таъминоти ва алоқа линиялари, юк омборлари бунёд этилди.

курилишининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу иш тўлалигича Ўзбекистон Республикаси корхоналари кучи ва салоҳияти ҳисобига амалга оширилди. Демак, темир йўл қурилишининг барча иштирокчилари мураккаб табиий-иқлим шароитларида ва, баланд тоғли туманларда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш, кўприклар, галереялар ва бошқа замонавий иншоотлар қуриш бўйича бой тажриба тўплади. Уларнинг аксарияти Афғонистонда "Хайратон — Мозори Шариф" темир йўли қурилишига жалб этилган бежиз эмас.

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" кенг қўламли тарихий лойиҳаси мустақиллиқ шарофати билан амалга оширилди ва мамла-

катимизнинг улкан иқтисодий ҳамда интеллектуал салоҳиятини намоён этди. Бундай қисқа вақт ичида шу қадар катта ҳажмда ва кенг қўламли ишларнинг амалга оширилиши МДХ ҳудудида кузатилмаган.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизимини шакллантирган янги магистраль жанубий минтақаларни марказ ва бошқа ҳудудлар билан бирлаштириб, транспорт соҳасининг миллий иқтисодиётига самарадорлигини янада оширишга хизмат қилди.

Темир йўл қурилиши ушбу минтақада ижтимоий инфратузилмани яратишда муҳим омили бўлди, бутун минтақа индустриал тараққиётини янги босқичга кўтарди.

Яқин ўтмишда тоғли қишлоқлар аҳолиси мамлакатимизнинг катта шаҳарлари ва Ватанимиз пойтах-

минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ҳамда бошқа қимматбаҳо қазилмаларга бой конларни комплексли ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратди.

Янги магистралнинг ишга туширилиши билан Сурхондарё вилоятида Хонжица полиметалл, Шарғун ва Бойсун кўмир конларини ўзлаштириш, цемент заводларини бунёд этиш ишлари бошланди. Янги темир йўл тўғрисида йирик лойиҳалардан бири муваффақиятли амалга оширилди — йилга 700 минг тонна рудани қайта ишловчи ва 200 минг тонна калий ўғит ишлаб чиқарувчи завод бунёд этилди.

Ушбу кенг қўламли ютуқлар билан бир қаторда, янги темир йўл линиясининг қурилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жалал ривожлантириш учун қўлай имкониятлар яратди. Хусусан,

рига кўра, янги темир йўл линияси ишга туширилган даврдан жорий йил охиригача юк ташиш ташкил этиши, яъни 2009 йилга нисбатан 9 фоиз, 2008 йилга нисбатан 1,6 маротаба ўсиши кутилмоқда.

2009 йил 20 августдан "Тошкент — Термиз — Тошкент" йўналиши бўйича йўловчиларни янги "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линияси орқали ташиш бошланди. Ўтган давр мобайнида 220,5 минг йўловчи ташилиб, ўртача ойлик йўловчи ташиш кўрсаткичи 3,6 маротаба ўсди.

Янги темир йўл магистрალი нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа ривожига алоҳида ўрин тутди. У мамлакатимиз транзит ва экспорт салоҳиятини гоят юксалтирди.

Янги темир йўл магистрალი учинчи давлатлар ҳудуди орқали ташувларни амалга оширишга барҳам берди, бу эса мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига ҳар йили 50 миллион АҚШ доллари билан орқали маблағни тежаш имконини беради. Бундан ташқари, республикаимиз ичидаги йўналишлар бўйлаб юк ташувлари тарифларининг 43 фоизга камайирилиши ҳисобига ўтган давр мобайнида мамлакатимиз корхоналари қарийб 15 миллион доллар маблағ иқтисод қилди. Юк ташиш тармоғида нафақат масофа қисқарди, балки қўшни мамлакатнинг иккита божхона постидан ўтишга ҳолат қолмади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, янги транспорт магистрალი "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясига таҳминан 75 миллион доллар, шу жумладан, транзит ташувлар ҳисобидан 44 миллион доллар даромад олиши имконини беради.

...Янги магистраль ишга туширилганидан бунён, бор-йўғи, уч йил ўтганига қарамай, у улкан самаралар бермоқда. "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" линиясининг ишга туширилиши ушбу минтақа транспорт-иқтисодий алоқалари тизимини кескин ўзгартирди, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида саноатнинг кўлаб тармоқларини, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қўлай шароит яратди.

Бу эса нафақат бугунги кунга, балки узоқ истиқболга мўлжалланган катта йўлнинг бошланишидир. Ўзбекистон жанубий вилоятлари иқтисодий тараққиётини даволатишга алоҳида эътибор берган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линияси, ҳеч шубҳасиз, мустақил мамлакатимиз тарихидаги ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қолади.

(ЎЗА).



Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

СОҒЛОМ МУҲИТ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳаракатининг устувор вазифалари ҳисобланади. Шу мақсадда бугунга қадар 70 га яқин тадбирлар ўтказилиб, улара 27 минг нафардан ортиқ аҳоли жалб этилди. Айниқса, Сурхондарё вилоятининг бир қатор туманларида ташкил қилинган "Тожикистон алюминий компанияси" давлат унитар корхонасининг атроф-муҳит муҳофази учун ўта хавфли фаолиятига қарши тадбирлар оммавийлик касб этиб, Экоҳаракатнинг халқроқ микёсдаги обу-этибори охишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Экоҳаракатдан сайланган депутатлар аша шу имкониятлардан унмлли фойдаланиб келмоқдалар. Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг 12 та қонун ҳужжатларини ижроси бўйича 50, аҳолининг экологик маданиятини ошириш ва экологик таълим-тарбияни ривожлантиришга қаратилган 50 дан зиёд тадбирлар ўтказилди.

Муҳома қилинган масалалар юзасидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Борий Алихонов маъруза қилди. Таъкидланганидек, ўтган давр мамлакатимиздаги энг ёш жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланган Экоҳаракатнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўлида энг муҳим давр бўлди. Гап шундаки, ҳақон парламентариизми тарихида илк бор юртимизда Экоҳаракат учун Қонунчилик палатасида 15 та депутатлик ўрни ажратилди. Бу жойга депутатлар Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган конференциясида демократик тамойилларга тўла амал қилинган ҳолда, ошқоралик ва муқобиллик асосида сайлаб олинди. Шу тарихда, Президентимиз

таъбири билан айтганда, Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилди, юксак депутатлик минбаридан туриб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритди.

Экоҳаракат қошида "Ишонч телефони" ташкил этилгани эса айни муддао бўлди. У орқали бугунга қадар 130 дан ортиқ тежор хабарлар келиб тушганлиги ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўзининг дастурий вазифаларидан яна бири — экологик ва тиббиёт йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг натижасида айни пайтга келиб, 120 та экологик ҳамда 133 та тиббиёт соҳасидаги ташкилот билан доимий алоқа ўрнатилди.

Пленумда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси тарқибига ўзгартишлар киритилиб, "Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги Низом" тасдиқланди. Шунингдек, Экоҳаракатнинг Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Муҳома қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Келажак овози — 2010»: ИҚТИДОРИ ЕШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу кунги Гулистон шаҳридаги "Ешлар маркази"да Ешларни иш билан таъминлашга қўлақлашувчи марказ томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди.

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичи голубларини тақдирлаш маросими катта шодонига айланди. Ушбу тадбирда талаба-ёшлар, уларнинг ўқитувчи ва мураббийлари, ота-оналари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳаматлигида ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, уларга Ватан тақдирини, унинг бугунги ва эртанги кунига дахлдорлик ҳиссини қўмайтириш, мустақил ва янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини мамнуният билан таъкидладилар.

Мамлакатимизда биз, ёшларнинг камолоти учун барча шарт-шароит яратилмоқда, — дейди Сайил жойи академик лицейи ўқувчиси Достон Ҳасанов. — Кўриктанловда мўъжаз DVD плеерни яратиш тақдирига билан қатнашдим. Локихам кўчиликлари маъқул бўлганидан хурсандман. Уни тақомиллаштириш устида ишни давом эттираман.

Тақдирлаш маросимида танлов голубларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳам ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

Ш. ХОЛИМУДОВ,
Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 7 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юртимиз, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий туловлари учун ҳарбий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1482,58	1 Малайзия рингити	519,36
1 АҚШ доллари	1557,97	1 Польша злотийи	529,36
1 Бразилия реаллари	2501,13	1 СДР	2449,04
1 Дания кронаси	280,03	1 Туркия лираси	1079,36
1 БАА дирхами	440,12	1 Швейцария франки	1592,04
1 АҚШ доллари	1616,24	1 Евро	2060,67
1 Миср фунти	283,50	10 Жанубий Корея вони	13,80
1 Исландия кронаси	13,84	10 Япония йениси	191,63
1 Канада доллари	1557,97	1 Россия рубли	52,66
1 Ҳаной вонни	238,15	1 Украина гривнаси	204,64


Индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 16 лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни кунгача 5 корхона иш бошлади. Жорий йилнинг охиригача яна 7 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар доирасида энергия тежасиди-дан лампа-лар, LCD мониторлар, электрон газ ҳисоблагичлари, тай-ёр дори-дармон воситалари, генераторлар, компрессорлар ва "GM Uzbekistan" корхонаси автомобиллари учун ускуналар блоклари сингари замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хозирги кунда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 16 лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни кунгача 5 корхона иш бошлади. Жорий йилнинг охиригача яна 7 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар доирасида энергия тежасиди-дан лампа-лар, LCD мониторлар, электрон газ ҳисоблагичлари, тай-ёр дори-дармон воситалари, генераторлар, компрессорлар ва "GM Uzbekistan" корхонаси автомобиллари учун ускуналар блоклари сингари замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

(ЎЗА).

24 соат ичида
ЖАҲОН
 Конго Демократик Республикасида йўловчиларни олиб кетаётган паром (солсимон ясси кема) ҳалокатга учради.

Паром ҳалокатга учради



Бу ҳақда "САПА" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Касаи дарёсида юз берган фалокат оқибатида камида 200 нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Кўнгилсизлик кема-нинг двигателида келиб чиққан ёнғин тўғайли содир бўлган. Бошқа бир манбада эса паромда йўловчилардан ташқари ёнғинга маҳсулотлари ҳам борлиги келтирилган. Бу эса талафот кўла-ми ошишига сабаб бўлган. Мазкур маълумот кемадаги йўловчилардан бири томонидан ҳам тасдиқланган.

Таомбон металл


Сўнгги йилларда жаҳонда мўқобил энергия манбалари ва янги маҳсулотлар яратиш устида кенг қамровли изланишлар олиб борилиб, самарали натижаларга эришилётгани ҳақида кўп хабарлар тарқатилмоқда.

Яқинда ана шундай изланишлар олиб бораётган бир гуруҳ мутахассислар нанотизимлар ёрдамида металлнинг янги кўринишини кашф этишди. Қизик жиҳати, мазкур иxtироддан газни сақлашда, озиқ-овқат маҳсулотини сифатида ҳамда тиббиёт соҳи-сида кенг фойдаланилса бўларкан.

Экспертлар овқат ўрнида ишлатиладиган металлнинг яратилишини оламшумул кашфиёт сифатида баҳолаш-моқда.

Ёмғирдан дарак йўқ

Бразилия миллий метеорология институтининг (Inmet) маълумотларига қараганда, мамлакат пойтахтида 101 кундан бери бир томчи ҳам ёмғир ёлмаган.



Оқибатда қурғоқчиликка қарши курашиш мақсадида бунёд этилган Параноа сув-ий қўлидаги сув сатҳи сез-лашиб кетган. Бу ерда ке-малар қатновида муаммолар юзага келмоқда. Жазирама шаҳар қиёфасига ҳам жид-дий таъсир этмоқда. Сув танқислиги боис Миллий конгресс ва бошқа маъму-рий бинолар олдидаги май-салар қовжирай бошлаган. Қурғоқчилик камида яна икки ҳафта давом этиши мумкинлиги айтилмоқда.

Юрган — дарё...

АҚШлик Ира Гордон битта машинада энг кўп масофани босиб ўтиш борасида ўзи ўнатган жаҳон рекордини янгилади.
 У 1966 йилда сотиб олган "Volvo P1800" русумли авто-мобилида 2,8 миллион миль (4,5 миллион километр) йўл юрган. Яъни Гордон йилга уртача 80-100 минг миль ат-рофида масофа босиб ўтган. Қизиги, у бу натижа бил-лан тўхтаб қолмоқчи эмас. Яна уч йилдан сўнг 73 ёшга ўладиган рекордчи уч мил-лион миль масофа юришга ахд қилган.
 Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Гордоннинг олдин-ги рекорди 2006 йилда ўрна-тилган бўлиб, 2,4 миллион мильга тенг эди.

Хорик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бундан икки йил муқаддам келиб чиққан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий барқарорликка эришиш масаласи ҳануз жаҳон мамлакатлари учун долзарб бўлиб турибди.
 Кўзга кўринган экспертлар, иқтисодчилар ҳали 2010 йилга қадам қўймасимиздан аввалроқ ушбу йилда дунё иқтисодиётида секин-аста ижобий кўрсаткичлар кўзга ташлана бошлайди, деган таҳминларни илгари суришганди. Чиндан ҳам, айрим нуфузли компаниялар, молия муассасалари ва ташкилотлар жорий йилнинг ўтган икки чорагида фойда кўришининг удрасидан чиқа олгани оммавий ахборот воситала-ри эътиборини ўзига қаратди.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

Масалан, Германиянинг энг йирик "Commerzbank AG" банк-и апрель-июнь ойларини 352 миллион евро микдоридаги соф фойда билан яқунлади. Вахонли-ки, аввалги йилнинг шу даври-да мазкур молия муассасаси 761 миллион евро зарар кўрган-ди. Кўҳна кўтарадаги яна икки етакчи банк — "BNP Paribas" ва "HSBC" ҳам акциялари қиймати ошганини маълум қилди. Хусусан, "BNP Paribas"нинг қиммат-ли қорғозлари нархи беш фоизга кўтарилган. Буюк Британиянинг "Royal Bank of Scotland" банки эса кутулганидан ҳам яхшироқ натижа қайд этди. Гап шундаки, экспертлар иккинчи чорак яқун-лари бўйича у салкам 200 мил-лион фунт стерлинг микдорида соф фойда кўради, дейишган-ди. Амалда эса мазкур муассас-анинг фойдаси 257 миллион фунт стерлингни ташкил этди.

Айтиш жоизки, бундай ижо-бий кўрсаткичлар айрим манба-ларда молиявий-иқтисодий ин-қироз ортда қолди, деган фикр-ларнинг илгари сурилишига са-баб бўлмоқда. Лекин узил-ке-сил хулоса чиқаришга ҳали бир оз эрта. Чунки баъзи соҳалар-да, шу жумладан, банк-молия тизимида ҳам барқарорлик жи-лови ҳали тўлалигича қўлга олингани йўқ. Шунга ўхшаш

фикрларни "Royal Bank of Scotland" банки ижрочи дирек-тори Стэфен Хостер ҳам ўз муассасаси мисолида билдир-ди: "RBS"нинг оёққа туриши узоқ давом этадиган жараён. Иқтисодий бозордаги ҳолат ҳамон мураккаблигича қол-моқда. Демак, барқарорликка эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши керак".

Албатта, глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири до-мидан чиқиб кетиш ҳамма учун ҳам бирдек кечмаяпти. Чорак-ларни зарар билан яқунлаган-лар бўлапти, давлат бюджети харажатларини босқичма-босқич қисқартириб боришга ўтиш ҳолатлари кузатишмоқда, иш ўринларини қамайтириш, кўчмас мулкларни сотиш каби чоралар-ни қўллаётганлар ҳали-ҳануз уч-раб турибди. Хусусан, АҚШнинг "American International Group Inc" сугурта компанияси жорий йил-нинг иккинчи чорагида 538 мил-лион доллар зарар кўрди. Бу 2009 йилнинг шу давридагидан ёмон кўрсаткич. Чунки ўшанда "AIG" 311 миллион доллар соф фойда олишга эришганди. Ёки бошқа бир мисол. Италиянинг телекоммуникация соҳасидаги йирик "Telecom Italia" компания-си 2013 йилга қадар 3,9 мингта иш ўрнини қисқартиришни ре-

жалаштирган. Бунда қарийб 2,2 минг ишчиси билан "бири-бири-ни қўллаш шартномаси" тузиш-ни мақсад қилган. Яъни ушбу жараёнда ўзаро келишув асоси-да ходимнинг иш соати ва ой-лик маоши микдорини қамайти-риш назарда тутилди.

Интернет сайтларида инқироз таъсирида оғир аҳволга тушиб қолган "Japan Airlines" (Япония) авиакомпанияси кўллаётган чора ҳақида ҳам ах-борот тарқатилди. У ўзига те-гишли бўлган "JAL Hotels" ком-панияси акцияларининг 79,6 фоизини маҳаллий "Hotel Okura" корпорациясига сотиш бўйича келишувга эришган...

Бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин.
 Кўриниб турибдики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари бутун дунё микёси-да сақланиб қолмоқда. Биз ана шу жараёнлар ҳақида гапирган-да, мамлакатимиздаги маъжуд аҳолини ҳам тилга олиб ўтишга одатланганмиз. Чунки Ўзбекис-тон дунёда глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон таъсирини ен-гил ўтган санокли давлатлар сирасига қиради.
 Ўртимизда инқироз таъси-рини юмшатиш ва бартараф этишда давлатимиз томонидан

2009 — 2012 йилларга мўлжал-лаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қув-ватлашга қаратилган чора-тад-дирларнинг пухта ишлаб чиқил-гани ўзининг амалий самараси-ни берди. Давлатимиз раҳбари-нинг жорий йил апрель ойида пойтахтимизда таш-кил этилган "Инқи-розга қарши чоралар

дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривож-ланишининг устувор йўналишла-ри (Ўзбекистон мисолида) маъ-зуидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўллаган табриқигада мана бу фикрлар янада яққолроқ тасав-вур ҳосил қилади: "Биз иқтисо-диётимизни, молия ва банк ти-зимини ортқича ликвидлик бил-лан пуфлаб шиширмадик, бал-ки, биринчи навбатда, реал иқтисодиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг молия-вий барқарорлигини қўллаб-қув-ватлашга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, ди-версификация қилиш, харажат-ларни қамайтириш ва ишлаб чи-қарилаётган маҳсулотнинг рақо-батбардошлигини таъминлаш чораларига эътибор қаратдик".

Шарҳ

сулланган, қуруқ ҳолдаги ан-тибиотиклар, инъекцион ва суюқ ҳолдаги препаратлар шулар жумласидандир. Уларнинг акса-риятни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар эканлигини таъкид-лаш ўринлидир.
 Корхонада 100 дан зиёд за-монавий технологиялар асоси-



да ишлаб чиқариш йўлга қўйил-гани маҳсулот тайёрлаш ҳажми-нинг муттасил ошишида муҳим омил бўлмоқда. Нега деганда, соҳадаги янгиликларнинг изчил жорий этилиши туфайли жамоа

Қарор ва ижро

хар йили 6-7 хилдаги импорт ўрнини босувчи дори воситаси-ни тайёрлашга эришмоқда. Улар маҳаллий хом ашёдан тайёрла-наётгани туфайли сифати юқори, нархи турдошларига нисбатан бирмунча арзондир.
 Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги "2009 йилда са-ноат кооперацияси асосида тай-ёр маҳсулотлар, бутловчи бўям-лар ва материаллар ишлаб чи-қаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори, айтиш мумкинки, "RADIKS" ил-мий-ишлаб чиқариш корхонаси ривожига янги босқични бош-лаб берди. Сабаби, мазкур ҳуж-жатга асосан, корхона Маҳал-лийлаштириш дастурига кирити-

либ 2012 йилгача четдан олиб келинадиган ускуна ва бутлов-чи қисмлар, хом ашё ва қўшим-ча компонентлар учун барча божнаа тўловларидан озод қилинди.
 Бунинг ҳисобига тежаб қоли-наётган маблағ, энг аввало, иш-лаб чиқаришни модернизация қилиш, янги препаратлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қўшим-ча иш жойлари яратишга йўнал-тирилмоқда. Пировадарда иш-лаб чиқариш суръати йилига ўртача 30 фоиз ўсаётди.

Айни кунларда Маҳаллийлаш-тириш дастури доирасида қий-мати 3,3 миллион АҚШ долла-рилик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши кор-хонада таблетка тайёрлаш ҳаж-мини 5, суюқ ҳолдаги препарат-ларни 2, юмшоқ дори восита-лари ишлаб чиқаришни эса 3 бараварга ошириш имконини беради. Қўшимча равишда 30 та иш ўрни яратилади. Шу мақсад-лар учун бугунга қадар 700 мил-

Дарҳақиқат, ана шундай эти-бор ва ғамхўрлик туфайли 2010 йилнинг олти ойи ҳам иқтисоди-ётимиз учун барқарор ривожла-ниш даври бўлди. Келинг, банк-молия тизимида қўлга киритил-ган натижалар билан сўзимизни асосласак. Жорий йилнинг би-ринчи ярмида банк тизимининг

Тижорат банклари томонидан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳ-сулотлари ишлаб чиқариш, ки-чик бизнес ҳамда хусусий тад-биркорлик субъектлари фаоли-ятини ривожлантириш, уй-жой қурилиши, парандачилик ҳўжа-ликларини ташкил қилиш, қора-мол сотиб олиш каби мақсад-лар учун ажратилган маблағлар бугун аҳоли турмуш фаровонли-гини оширишга хизмат қилмоқ-да. Биргина мисол. Жорий йил-нинг биринчи ярмида 2009 йил-нинг сентябрда қишлоқ жой-лардаги 42 та ер массивида қурилиши бошланган 847 та уй-жой қуриб битказилди. Бу ўларга газ, сув ва электр энер-гиясини етказиб беришни таъ-минлайдиган ташқи муҳан-дисклик тармоқлари барпо этил-ди. 159 та қишлоқ туманидаги 223 та массивда намунали лойиҳалар бўйича қўшимча 6800 та уй-жой қурилиши бошланди. Ўтган давр мобайнида ушбу мақ-садлар учун "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат бан-киннинг жами 122,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди. Булар ўз-ўзидан қўлга киритиладиган ютуқлар эмас, албатта.

Шу йилнинг май ойи бошида Осиё тараққийот банки Бошқар-увчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси давомида нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий делегациялар раҳбарлари, шунингдек, 2010 йилнинг июнь ойи охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси томо-нидан ҳам эришилган бу самаралар юксак баҳоланди. ХВЖ миссияси томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ша-роитида ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаёт-гани таъкидланди. Миссия кейинги тўрт йилда молия сектори-да ривожланишга эришилгани, банklar капитали ва активлари-нинг сезиларли даражада кўпайиши банк тизимини бар-қарорлаштиришда муҳим омил бўлганини ва санотни модер-низация қилиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш давлат дастурини қўллаб-қувватлаш имконини берганини қайд этди. Бундай ижобий ютуқлар, эътирофлар, шубҳасиз, барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шавкат ОРИҚОВ.

Кашқадарё томонларида

Мустақиллигимиз-нинг 19 йиллиги байрами арафасида Деҳқонобод туманида барча қулайликларга эга хизмат кўрсатиш мажмуаси иш бошлади.

ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Лойиҳа қиймати 128 миллион сўм бўлган ушбу мажмуада тўйхо-на, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тар-моқлари маъжуд. Замо-навий кўрнинишда ва миллий меъморчилик-нинг сўнгги услублари уйғунлигида бунёд этилган ушбу иншоот аҳолига хизмат кўрса-тишни бошлади.

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАГАН ЛОЙИҲА

Касби туманидаги Месит қишлоғи ёшлари янги ўқув йиллини янги мактаб-да қарши олдилар.

Кенг ва ёруғ синф-хоналар, замонавий спорт зали, лаборато-рия ва компьютер хо-налари ҳамда кўплаб бошқа қулайликларга эга мазкур мактаб Халқ таълими вазирлигининг "Келажакка сармоя" лойиҳаси асосида бунёд этилди. Тендер қиймати 585 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу мактаб биноси энг улуг, энг азий бай-рамимизга муносиб туфха бўлди.
 Фахриддин БОЗОРОВ.

Маҳсулот жойида қайта ишланади

Нукус туманидаги чорвачиликка ихтисослаш-тирилган "Қўнғиротбой-Меҳри" фермер ҳўжа-лиги қошида сутни қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди.
 Мазкур лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси фер-мер ҳўжаликлари уюшмаси ҳамда Япониянинг "JICA" халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда амал-га оширилди. Ҳозирда бу ерда кунига 500 литргача сут қайта ишланиб, худуддаги болалар боғчалари ҳамда савдо дўконларига етказиб берилмоқда.
 Ҳидоят АҲМЕДОВ,
 «Халқ сўзи» мухбири.

ТРУБА ЗАВОДИ КК
 «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК
 ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар КҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.
 ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диа-метри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.
 Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.
 Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
 Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.
 ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;
 Бундан ташқари:
 ИЙГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.
 КАРБИД — Козогистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
 Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
ИП ООО «РАКНТАКАBEL ZAVODI»
 ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию

- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

Специальные предложения по нестандартным проводам марок А и АС от 10 мм² до 600 мм².
 Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
 Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
 Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикасининг Муствақиллик куни Исроил халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриклари изхор этиш ҳамда Сизга муствақам сихат-саломатлик, мамлакатингизга тинчлик ва тараққиёт тилаб билдирган энг эзгу истақларни йўллаш имкониятини берганидан гоят мамнунман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шимон ПЕРЕС,
Исроил Давлати Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислам Абдуғаниевич!
Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини миллий байрам — Ўзбекистон Республикасининг Муствақиллик куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Ишончим комилки, Арманистон билан Ўзбекистон ўртасида самарали алоқаларни кенгайтириш, ўзаро фойдали ҳамкорликни муствақамлаш ва ривожлантириш халқларимиз манфаатларига тўла мос келади ва Жанубий Кавказ ҳамда Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Сизга, мухтарам Ислам Абдуғаниевич, муствақам сихат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистонни янада раванак топтириш ва мамлакатингиз халқи фаровонлигини юксалтириш йўлидаги ўта масъулиятли ва шарафли фаолиятингизга улкан самаралар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Серг САРГСЯН,
Арманистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич!
Ўзбекистон Республикасининг Муствақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистоннинг биродар халқига татаристонликларнинг энг самимий табриклари йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади. Ушбу айёмда мамлакатингиз халқининг қувончига шерик бўлиб, барча ҳамюртларингизга фаровонлик ва бахт-саодат, мамлакатингизга янада раванак ва тараққиёт тилайман.

Муштақаб асрий тарихий ва маданий анъаналар билан бир-бирига боғланган Татаристон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси янги даврда ўзаро ҳамкорликнинг мазмунан бой, ажойиб тарихини бунёд этади. Бугун самарали ва барқарор ривожланиб бораётган Татаристон — Ўзбекистон ҳамкорлигига Сиз билан Минтимер Шарипович Шаймиев асос солган. Сиз, мухтарам Ислам Абдуғаниевич, келгусида ҳам Россия — Ўзбекистон ҳамкорлиги доирасида Татаристон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берасиз, деган умиддаман.

Рустам МИННИХОНОВ,
Татаристон Республикаси Президенти.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).
Мамлакатимизда илк бор Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали "Ягона ойна" — давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси амалга оширилганлиги ва ушбу марказ орқали фуқароларга қатор энгилликлар яратилганлиги таъкидланди ҳамда бундай марказларни юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам очиб масалалари бўйича тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги "ZyboNet" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши юзасидан мутасадди ва идораларда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди. Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирил ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутасаддилари томонидан қўрсатма ва тақрифлар берилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди. (ЎЗА).



ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛИ КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу иншоотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уни трассанинг 350 метр радиусли ёйсимон қисмида баланглиги 43 метрни ташкил этувчи таянч устуллари қўйиб туради. Бутун темир йўл магистралнинг замонавий оптик-толали алоқа билан жиҳозланганлиги поездлар қатновининг юксак хавфсизлигини таъминлаш, йўлнинг ўтказувчанлик қобилиятини максимал даражада фойдаланиш имкониятини беради. Станция ва разъездларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари, шу жумладан, юклар ва юкларни тушириш, темир йўл юкларини сақлаш, машина ва механизмларни жиҳозлаш ҳамда таъмирлаш ишларини ташкил этишга доир замонавий талабларга жавоб берувчи подстанциялар, энергия таъминоти ва алоқа линиялари, юк омборлари бунёд этилди.

Янги линия бўйлаб темир йўл транспорти-ҳодимлари яшаши учун умумий майдони 5603 квадрат метр бўлган ўттиз бешта икки қаватли кotteж қўйилди. Бундан ташқари, "Дарбанд" станциясида 216 ўқувчиға мўлжалланган умумий ўрта таълим мактаби ва "Деҳқонбод" станциясида спорт мажмуаси барпо этилди.

Янги "Тошгузар — Бойсун — Кўмқўрган" темир йўл линияси

қурилишининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу иш тўлалиғича Ўзбекистон Республикаси корхоналари кучи ва салоҳияти ҳисобига амалга оширилди. Демак, темир йўл қурилишининг барча иштирокидаги мураккаб табиий-иклим шароитларида ва баланд тоғли туманларда қурилиш-монтола ишларини олиб бориш, кўприклар, галерейлар ва бошқа замонавий иншоотлар қуриш бўйича бой тажриба тўплади. Уларнинг аксарияти Афғонистонда "Хайратон — Мозори Шариф" темир йўли қурилишига жалб этилган бежиз эмас.

"Тошгузар — Бойсун — Кўмқўрган" кенг қўламли тарихий лойиҳаси муствақиллик шарофати билан амалга оширилди ва мамла-

катимизнинг улкан иқтисодий ҳамда интеллектуал салоҳиятини намоян этди. Бундай қисқа вақт ичида шу қадар катта ҳажмда ва кенг қўламли ишларнинг амалга оширилиши МДХ ҳудудида кузатилмаган.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларининг муствақил, ягона ва яхлит тизimini шакллантирган янги магистраль жанубий минтақаларни марказ ва бошқа ҳудудлар билан бирлаштириб, транспорт соҳасининг миллий иқтисодиётига маънавий самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Темир йўл қурилиши ушбу минтақада ижтимоий инфратузилмани яратишда муҳим омил бўлди, бутун минтақа индустриал тараққиётини янги босқичга кўтарди.

Яқин ўтмишда тоғли қишлоқлар аҳолиси мамлакатимизнинг катта шаҳарлари ва Ватанимиз пойтах-

минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ҳамда бошқа қимматбаҳо қазилмаларга бой қонларни комплексли ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратди.

Янги магистралнинг ишга туширилиши билан Сурхондарё вилоятида Хонжиза полиметалл, Шарғун ва Бойсун кўмир қонларини ўзлаштириш, цемент заводларини бунёд этиш ишлари бошланди. Янги темир йўл тўғрисида йирик лойиҳалардан бири муваффақиятли амалга оширилди — йилга 700 минг тонна рудани қайта ишловчи ва 200 минг тонна калий ўғит ишлаб чиқарувчи завод бунёд этилди.

Ушбу кенг қўламли ютуқлар билан бир қаторда, янги темир йўл линиясининг қурилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳадал ривожлантириш учун қўлай имкониятлар яратди. Хусусан,

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида йилга 10 миллион донга гишт ишлаб чиқариш қувватига эга иккита завод, йилга 100 минг куб метр шағал ишлаб чиқариш қувватига эга завод фойдаланишга топширилди, "Тошгузар", "Деҳқонбод" ва "Оқработ" станцияларида савдо объектлари қурилди.

Янги темир йўл магистрალი ишга туширилиши тўғрисида йўловчи ва юк ташиш бўйича транспорт харажатларининг қисқариши орқали катта иқтисодий самарага эришилмоқда.

Темир йўл тўғрисида юк ва йўловчиларни ташиш масофаси 170 километрга, харажатларини вақти эса 7 соатга қисқарди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобла-



Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

СОҒЛОМ МУҲИТ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Шу йил 4 сентябрь куни Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Экоҳаракатнинг 2009 йилнинг декабридан 2010 йилнинг августига қадар бўлган даврдаги фаолияти яқунлари кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Борий Алихонов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мамлакатимизда энг ёш жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланган Экоҳаракатнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўлида энг муҳим давр бўлди. Гап шундаки, жаҳон парламентаризми тарихида илк бор юртимизда Экоҳаракат учун Қонунчилик палатасида 15 та депутатлик ўрни ажратилди. Бу жойга депутатлар Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган конференциясида демократик тамойилларга тўла амал қилинган ҳолда, ошқоралик ва муқобиллик асосида сайлаб олинди. Шу тарихда, Президентимиз

Атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳаракатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу мақсадда бугунга қадар 70 га яқин тадбирлар ўтказилиб, уларга 27 минг нафардан ортиқ аҳоли жалб этилди. Айниқса, Сурхондарё вилоятининг бир қатор туманларида ташкил қилинган "Тожикистон алюминий компанияси" давлат унитар корхонасининг атроф-муҳит муҳофазаси юзасидан қабул қилинган қўйиш ҳамда назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологийнинг хавфли ҳамда таҳовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятлари қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Экоҳаракатдан сайланган депутатлар ана шу имкониятлардан умумий фойдаланиб келимоқдалар. Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг 12 та қонун ҳужжатига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлари сиёсий партиялардан сайланган депутатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, биринчи ўқимда қабул қилинган бунинг исботидир.

Экоҳаракат қўшида "Ишонч телефони" ташкил этилгани эса айни мўддао бўлди. У орқали бугунга қадар 130 дан ортиқ тезкор хабарлар келиб тушганлиги ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўзининг дастурий вазифаларидан яна бири — экологик ва табиий ёт йўналишидаги нодавлат нотижатли ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини муствақамлаш ҳам алоҳида эътибор қаратиб келимоқда. Бунинг натижасида айни кунга қелиб, 120 та экология ҳамда 133 та табиий соҳасидаги ташкилот билан доимий алоқа ўрнатилди.

Пленумда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси таркибига ўзгаришлар киритилиб, "Ўзбекистон Экологик ҳаракати худудий бўлиналари тўғрисидаги Низом" тасдиқланди. Шунингдек, Экоҳаракатнинг Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари худудий бўлиналари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. **Р. САИДОВ.**

«Келажақ овози — 2010»: ИҚТИДОРИЙ ЁШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу кунги Гулистон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Ёшларни иш билан таъминлашга қўмаклашувчи марказ томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди.

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичи голибларини тақдирлаш маросими катта шодийнага айланди. Ушбу тадбирда талаба-ёшлар, уларнинг ўқитувчи ва мураббийлари, ота-оналар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодин хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда Ватан тақдирини, унинг бугунчи ва эртанги кунига даҳлдорлик ҳиссини кучайтириш, муствақил ва янгича фирлайдиған ёшларни тарбиялаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини мамнуният билан таъкидладилар.

Бу йилги танловда иштирок этиш учун жиззахлик ёшлардан 5700 дан зиёд ариза тушди. Энг билимли ва истеъдодли йигит-қизлардан 15 нафари республика босқичи йўлнамасини қўлга киритди.

— Мамлакатимизда биз, ёшларнинг камолоти учун барча шарт-шароит яратилмоқда, — дейди Сайил жойи академик лицейи ўқувчиси Достон Ҳасанов. — Кўриктанловда мўъжаз DVD плери яратиш тақлифи қўлга катнашдим. Лойиҳам билан кўра маъқул бўлганидан хурсандман. Уни тақомиллаштириш устида ишни давом эттираман.

Тақдирлаш маросимида танлов голибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Навоий вилоятлари ҳам ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИДА ДАСТЛАБКИ БЕШ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси 2008 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан, замонавий юқори технологияли корхоналарни ишга тушириш, санаят салоҳияти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда ҳоржий, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шароит яратиш мақсадида ташкил этилган. "Навоий" эркин индустриал-

иқтисодий зонаси ҳудудидаги корхоналарнинг асосий фаолияти этиб қўйилган йўналишлар белгиланган; автомобилсозлик, аниқ машинасозлик, электроника ва электр техникаси, фармацевтика ва табиий буюмларни, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, пластмассаларни қайта ишлашга замонавий, юқори самарали усқуналар, инновация технологияларини жорий қилган ҳолда, кенг турдаги юқори технологияли, экспортга йўналтирилган, рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритадиган резидентлар учун мисли кўрилмаган қўлай имтиёз ва преференциялар белгиланган. Бу деярли солиқсиз, имтиёзли валюта режими, шунингдек, чет эллик ходимларнинг маъзур зонада бўлишининг соддалаштирилган тартибининг ўз ичига олади.

Бугунги кунда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудуди янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиши учун тайёр холга келтирилган, барча муҳандислик коммуникациялари (ичимлик ва техник сув, канализация, электр энергияси, табиий газ, телефон тармоқлари, автомобиль ва темир йўллари) қуриб битказилган. Маъмурий, банк-молия ва бошқа тегишли хизматларни кўрсатиш учун маъмурий ва молиявий марказ бинолари қурилган. Импорт ва экспорт маҳсулотларини расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун боғжона постининг қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Хозирги кунда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 16 лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни кунгача 5 корхона иш бошлади. Жорий йилнинг охиригача яна 7 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар доирасида энергия тежайдиған лампалар, LCD мониторлар, электрон газ ҳисоблагичлари, тайёр дори-дармон воситалари, генераторлар, компрессорлар ва "GM Uzbekistan" корхонаси автомобиллари учун усқуналар блоклари сингари замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 7 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳоржий валюталарнинг сўма нисбатан қўйилган қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	1482,58	1 Малайзия рингити	519,36
1 Англия фунт стерлини	2501,13	1 Польша злотийси	529,36
1 Дания кронаси	280,03	1 СДР	2449,04
1 БАА дирҳони	440,12	1 Туркия лираси	1079,36
1 АКШ доллари	1616,24	1 Швейцария франки	1592,04
1 Миер фунти	283,50	1 Евро	2060,67
1 Исвицдрия кронаси	13,84	10 Жаңубий Корея вони	13,80
1 Канада доллари	1557,97	10 Япония иенаси	191,63
1 Хатой юани	238,15	1 Россия рубли	52,66
		1 Украина гривиниси	204,64

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъзур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЖАҲОН
24 соат ичида
 Конго Демократик Республикасида йўловчиларни олиб кетаётган паром (солсимон ясси кема) ҳалокатга учради.

Паром ҳалокатга учради



Бу ҳақда «САПА» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Касаи дарёсида юз берган фалокат оқибатида камида 200 нафар одам ҳаятдан кўз юмган. Кўнгилисизлик кеманинг двигателида келиб чиққан ёнғин тўғрисида маълум бўлган. Бошқа бир манбада эса паромда йўловчилардан ташқари ёнғинга маҳсулотлари ҳам борлиги келтирилиб ўтилган. Бу эса талафот қўламини оширишига сабаб бўлган. Мазкур маълумот кемадаги йўловчилардан бири томонидан ҳам тасдиқланган.

Таомбон металл

Сўнгги йилларда жаҳонда муқobil энергия манбалари ва янги маҳсулотлар яратиш устида кенг қамровли ишланмишлар олиб борилаётганлиги аниқ. Самаралар натижаларга эришилётгани ҳақида кўплаб хабарлар тарқатилмоқда.

Яқинда ана шундай ишланмишлар олиб бораётган бир гуруҳ мутахассислар нанотизимлар ёрдамида металлнинг янги қўрилиш шаклини кашф этишди. Қизиқ жиҳати, мазкур иштановдан газни сақлашда, озиқ-овқат маҳсулотини сақлашда ҳамда тиббиёт соҳасида кенг фойдаланилса бўларкан.

Экспертлар овқат ўрнида ишлатиладиган металлнинг яратилишини оламшумул кашфиёт сифатида баҳолашмоқда.

Ёмғирдан дарақ йўқ

Бразилия миллий метеорология институтига (Inpet) маълумотларига қараганда, мамлакат пойтахтида 101 кундан бери бир томчи ҳам ёмғир ёлган.



Оқибатда қурғоқчиликка қарши курашиш мақсадида бунёд этилган Параноа сув йўли қўлга олинишига кўнгли қўйилган. Бу ерда кемалар қатновиди муаммолар юзага келмоқда. Жазирама шаҳар қиёфасига ҳам жиддий таъсир этмоқда. Сув танқислиги боис Миллий конгресс ва бошқа маъмурий бинолар олдидида майсалар қовжирай бошлаган. Қурғоқчилик камида яна икки ҳафта давом этиши мумкинлиги айтилмоқда.

Юрган — дарё...

АҚШлик Ирв Гордон битта машинада энг кўп масофани босиб ўтиш борасида ўзи ўрнатган жаҳон рекордини аниқлади.

У 1966 йилда сотиб олган «Volvo P1800» русумли автомобилда 2,8 миллион миль (4,5 миллион километр) йўл юрган. Яъни Гордон йилга ўртача 80-100 миң миль атрофида масофа босиб ўтган. Қизиғи, у бу натижа билан тўхтаб қолмоқчи эмас. Яна уч йилдан сўнг 73 ёшга туладиган рекордчи уч миллион миль масофа юришига аҳд қилган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Гордоннинг олднинг рекорди 2006 йилда ўрнатилган бўлиб, 2,4 миллион мильга тенг эди.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бундан икки йил муқаддам келиб чиққан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий барқарорликка эришиш масаласи ҳануз жаҳон мамлакатлари учун долзарб бўлиб турибди.
 Кўзга кўринган экспертлар, иқтисодчилар ҳали 2010 йилга қадам қўймасимиздан аввалроқ ушбу йилда дунё иқтисодиётида секин-аста ижобий қўрсаткичлар кўзга ташлана бошлайди, деган тахминларни илгари суришган. Чиндан ҳам, айрим нуфузли компаниялар, молия муассасалари ва ташкилотлар жорий йилнинг ўтган икки чорагида фойда кўришининг уйдасидан чиқа олгани оммавий ахборот воситалари эътиборини ўзига қаратди.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

Масалан, Германиянинг энг йирик «Commerzbank AG» банки апрель-июнь ойларини 352 миллион евро миқдоридида соф фойда билан яқунлади. Ваҳоланки, аввалги йилнинг шу даврида мазкур молия муассасаси 761 миллион евро зарар кўрган. Кўнча қитъадаги яна икки етакчи банк — «BNP Paribas» ва «HSBC» ҳам ақциялари қиймати ошганини маълум қилди. Хусусан, «BNP Paribas»нинг қиммати қоғозлари нархи беш фоизга кўтарилган. Буюк Британиянинг «Royal Bank of Scotland» банки эса қўрилганидан ҳам яхшироқ натижа қайд этди. Гап шундаки, экспертлар иккинчи чорак яқунлари бўйича у салкам 200 миллион фунт стерлинг миқдоридида соф фойда кўради, дейишган. Амалда эса мазкур муассасанинг фойдаси 257 миллион фунт стерлингни ташкил этди.

Айтиш жоизки, бундай ижобий қўрсаткичлар айрим манбаларда молиявий-иқтисодий инқироз ортда қолди, деган фикрларнинг илгари сурилишига сабаб бўлмоқда. Лекин узил-кесил хулоса чиқаришга ҳали бир оз эрта. Чунки баъзи соҳаларда, шу жумладан, банк-молия тизимида ҳам барқарорлик жиловли ҳали тўлалигича қўлга олингани йўқ. Шунга ўхшаш

фикрларни «Royal Bank of Scotland» банки ижрочи директори Стэфен Хэстер ҳам ўз муассасаси мисолида билдирди: «RBS»нинг оёққа туриши узоқ давом этадиган жараён. Иқтисодий бозордаги ҳолат ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Демак, барқарорликка эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши керак».

Албатта, глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири доминида чиқиб кетиш ҳамма учун ҳам бирдек кечмаяпти. Чоракларни зарар билан яқунлаганлар бўлганига, давлат бюджетини харажатларини босқичма-босқич қисқартириб боришга ўтиш ҳолатлари қузатилмоқда, иш ўринларини камайтириш, кўчмас мулкларни сотиш каби чораларни қўллаётганлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Хусусан, АҚШнинг «American International Group Inc» сўғурта компанияси жорий йилнинг иккинчи чорагида 538 миллион доллар зарар кўрди. Бу 2009 йилнинг шу давридагидан ёмон қўрсаткич. Чунки ўшанда «AIG» 311 миллион доллар соф фойда олишга эришган. Ёки бошқа бир мисол. Италиянинг телекоммуникация соҳасидидаги йирик «Telecom Italia» компанияси 2013 йилга қадар 3,9 миңта иш ўрнини қисқартиришни ре-

жалаштирган. Бунда қарийб 2,2 миң ишчиси билан «бири-бири»ни қўллаш шартномаси» тузиш мақсад қилган. Яъни ушбу жараёнда ўзаро келишув асосида ходимнинг иш соати ва ойлик маоши миқдорини камайтириш назарда тутилди.

Интернет сайтларида инқироз таъсирида оғир аҳволга тушиб қолган «Japan Airlines» (Япония) авиакомпанияси кўлаётган чора ҳақида ҳам ахборот тарқатилди. У ўзига тегишли бўлган «JAL Hotels» компанияси ақцияларининг 79,6 фоизини маҳаллий «Hotel Okura» корпорациясига сотиш бўйича келишувга эришган...

Бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Кўрииб турибдики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари бутун дунё миқдосида сақланиб қолмоқда. Биз ана шу жараёнлар ҳақида гапирганда, мамлакатимиздаги мавжуд аҳволни ҳам тилга олиб ўтишга одатланганмиз. Чунки Ўзбекистон дунёда глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон таъсирини енгиб ўтган санокли давлатлар сирасига қиради.

Юртимизда инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда давлатимиз томонидан

2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурунинг роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда, аввало, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилиши ўзининг амалий самарасини берди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил апрель ойида пойтахтимизда ташкил этилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўллаган табриқидида мана бу фикрлар янада яққолроқ тасаввур хосил қилади: «Биз иқтисодиётимизни, молия ва банк тизимини ортқча ликвидлик билан пуфлаб шиширмадик, балки, биринчи навбатда, реал иқтисодиёт, кичик бизнес ва тадбирдорлик соҳасининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардорлигини таъминлаш чораларига эътибор қаратдик».

Тижорат банклари томонидан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уй-жой қурилиши, паррандачилик ҳўжаларини ташкил қилиш, қорамол сотиб олиш каби мақсадлар учун ажратилган маблағлар бугун аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина мисол. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2009 йилнинг сентябрида қишлоқ жойлардаги 42 та ер массивида қурилиши бошланган 847 та уй-жой куриб битказилди. Бу уйларга газ, сув ва электр энергиясини етказиб беришни таъминлайдиган ташқи муҳандислик тармоқлари барпо этилди. 159 та қишлоқ туманидаги 223 та массивда намунали лойиҳалар бўйича қўшимча 6800 та уй-жой қурилиши бошланди. Ўтган давр мобайнида ушбу мақсадлар учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг жами 122,2 миллиард сўмлик иштироки кредитлари ажратилди. Булар ўз-ўзидан қўлга киритилмаган ютуқлар эмас, албатта.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилишга ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, корхоналарни техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришга замонавий ускуналарни изчил таътиқ этиш тадбирлари Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам ўз аксини топган.

сулланган, қуруқ ҳолдаги антибиотиклар, инъекцион ва суюқ ҳолдаги препаратлар шулар жумласидандир. Уларнинг аксарияти импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Корхонада 100 дан зиёд замонавий технологиялар асоси-



Кашқадарё томонларда

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида Деҳқонбод туманида барча қўлайликларга эга хизмат кўрсатиш мажмуаси иш бошлади.

ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Лойиҳа қиймати 128 миллион сўм бўлган ушбу мажмуада тўйхона, савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш тармоқлари мавжуд. Замонавий қўрилиши ва миллий меморчиликнинг сўнгги услублари уйғунлигида бунёд этилган ушбу иншоот аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади.

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАГАН ЛОЙИҲА

Касби туманидаги Месит қишлоғи йиллари янги ўқув йилини янги мактабда қарши олдилар.

Кенг ва ёруғ синфхоналар, замонавий спорт зали, лаборатория ва компьютер хоналари ҳамда қўллаб-қўсташ хизматлари эга мазкур мактаб Халқ таълими вазирлигининг «Келажакка сармоя» лойиҳаси асосида бунёд этилди. Тендер қиймати 585 миң АҚШ долларига тенг бўлган ушбу мактаб биноси энг улуг, энг азиз байрамимизга муносиб туфха бўлди.

Фахридин БОЗОРОВ.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ БЕҶИЁС САМАРАСИ

Бу борадаги вазибаларнинг тўлиқ бажарилиши, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини бартараф этишда кўл келаётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида республикамизда ишлаб чиқаришнинг техник модернизациялаш бўйича 108 та лойиҳа муваффақиятли яқунлангани ижтимоий-иқтисодий соҳалар, хусусан, фармацевтика тармоғида ҳам юқори ўсиш сурьатларини таъминлашга хизмат қилаётгани бунинг исботидир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда фармацевтика тизимида ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш ишлари ҳажми тобора ортиб бораёпти. Табиийки, бунда Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини, модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат асосида мамлакатимиз-

да дори воситалари ишлаб чиқаришда етакчи жамоалардан ҳисобланган «RADIKS» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда.

Корхонада модернизациялаш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, у икки босқичли тадбирлар асосида изчил рўёбга чиқаришмоқда. Унинг дастлабки босқичи доирасида, яъни 2008 йилда 1,5 миллион АҚШ доллар миқдоридида маблағ эвазига 2 та линия ишга туширилган эди. Натижада инъекцион, суюқ ва қуруқ ҳолдаги антибиотиклар, инфузион препаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг муҳими, 102 та янги иш ўрни яратилиб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшилди.

Таъкидлаш керакки, корхона иш бошлаган дастлабки йилларда 11 турдаги препарат тайёрлана эди. Бугунги кунга келиб, 90 хилдан ортик дори воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Суртма, таблетка, кап-

либ 2012 йилгача четдан олиб келинадиган ускуна ва бутловчи қисмлар, хом ашё ва қўшимча компонентлар учун барча бўжона тўловларидан озод қилинди.

Бунинг ҳисобига тежаб қилинган маблағ, энг аввало, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, янги препаратлар ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Пировардида ишлаб чиқариш сурьати йилга ўртача 30 фоиз ўсаётир.

Айни кунларда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 3,3 миллион АҚШ долларини инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши корхонада таблетка тайёрлаш ҳажмини 5, суюқ ҳолдаги препаратларни 2, юмшоқ дори воситалари ишлаб чиқариш эса 3 бараварга ошириш имконини беради. Қўшимча равишда 30 та иш ўрни яратилади. Шу мақсадлар учун бугунга қадар 700 мил-

лион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Фармацевтика соҳасига «ISO 9001:2008» халқаро сифат стандартларининг таътиқ этилиши ушбу тизим корхоналарида ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатдан янада яхшиланишига ва экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилаётир. Зотан, бу нафақат тайёр маҳсулотни, балки уни тайёрлашда қўлланиладиган хом ашё ва иккиламчи материаллар устидан ҳам назоратни кучайтиришга кенг йўл очиб берди. Ана шу жараённинг фаол иштирокчиси — «RADIKS» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси асосий эътиборини мамлакатимиз аҳолисини сифатли, хавфсиз, самарали, ишончли ва арзон дори воситалари билан таъминлашга қаратмоқда. Пировардида унинг икки бозордаги ўрни тобора мустаҳкамланиб, маквеи янада охиб бораётир.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПУЛАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПУЛАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. га; Бундан ташқари:

ЙИГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Козоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Маҳсулот жойида қайта ишланади

Нукус туманидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган «Кўнгиртбой-Меҳри» фермер ўлкалиги қошида сутни қайта ишлайдиган янги технология линия ишга туширилди.

Мазкур лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳамда Япониянинг «JICA» халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда амалга оширилди. Ҳозирда бу ерда кунига 500 литрча сут қайта ишланиб, ҳудуддаги болалар боғчалари ҳамда савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

ИП ООО «РАКНТАКАВЕЛ ЗАВОД»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ

кабельно-проводниковую продукцию

- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АЛУНП, ПУНП, АППБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 19 мм² до 600 мм².

Адрес: 100097, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136. Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51. Телефоны: (+998 97) 465-65-23, (+998 98) 304-00-94.

Е-mail: rakhtakabel@mail.ru

Спорт • Sport • Спорт • Sport

МАРДЛИК ВА ТАНТИЛИК МАЙДОНИ

Ўзбек миллий спорти — курашнинг халқаро миқёсда тан олинганга ўн икки йил тўлди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги "халқаро Кураш ассоциациясида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда таъкидланганидек, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, Президентимиз ташаббуси билан ўзбек курашининг обрў ва нуфузини жаҳонроқ юксалтириш борасида кенг қўлланма савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Натигада бундан роппа-роса ўн икки йил муқаддам Тошкентда Осиё, Европа ва Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида халқаро Кураш ассоциацияси асос солинди. 1999 йил 1 февраль кунини Президентимизнинг "Халқаро Кураш" Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат миллий спортимизнинг дунё бўйлаб қулоқ ёзишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистондаги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. 2007 йилда Макао, 2009 йилда Вьетнам давлатлари мезбонлик қилган ёш ишқобулларда Осиё ўйинлари ва ўтган йили Таиландда яққулаш спорт турлари бўйича бўлиб ўтган Осиё ўйинларида кураш бўйича расмий мусобақалар зўр муваффақият билан уюштирилди.

— Жаҳонда спортнинг уздан зиёд тури мавжуд, — дейди халқаро Кураш ассоциацияси бош қотиби Умид Ёқубов. — Албатта, Олимпиада ўйинлари дастурига киритишдан иборат. Яқин кунлар ичида кураш ҳаётида яна иккита муҳим тарихий воқеа бўлиб ўтади. Жумладан, 23-29 сентябрь кунлари мамлакатимизга спорт олимпиада нуфузли халқаро ташкилот — SportAccord (GAISF) президенти Жейн Вербрюген бошчилигидаги делегация ташриф буюриши кутилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш мумкин, ушбу ташкилот Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган ва ривожланаётган барча халқаро спорт ташкилотларини бирлаштиради. Қисқача айтганда, Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олишни режалаштирган спорт ташкилотлари, аввало, ушбу ташкилотга аъзо бўлиши лозим. Кўриниб турибдики, ўзаро ҳамкорлик курашининг дунёвий нуфузини янада оширишда муҳим аҳамият касб этяпти. Шунингдек, жорий йил октябрь ойида Бордо шаҳрида Франция

давлатининг жисмоний тарбия ва спорт уюшмалари, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси, Франциядаги элчи-хонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти Гран-при турнири ўтказилади. Унда дунёнинг 50 дан орტიқ мамлакатидан полвонлар иштирок этиши кутилмоқда. Умуман олганда, ўзбек кураши муҳлислари йил охиригача ҳам зерикиб қолишмайди. Жумладан, декабрь ойининг иккинчи ҳафтасида Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақада хозиргача дунёнинг 100 га яқин мамлакат курашчилари иштирок этиш истагини билдиришган.

ҳар бир спорт ўйинида қайсидир халққа хос алоҳида жиҳатлар, орзу-умидлар, қадрият аънавлар акс этган бўлади. Лекин ана шу юзлаб спорт турларининг барчаси ҳам халқаро миқёсда эътироф этилмаган, тан олинмаган. Шу боис курашимизнинг жаҳон спорт майдонига чиққанлиги билан ҳақли равишда гурунланса, арзийди. Хўш, кураш қандай қилиб бу қадар юксак нуфуз ва шарафга эга бўлди? Гап шундаки, унинг замирида халқимиз феъл-атворида хос инсонийлик, бағрикенглик, мардлиги тантилик хислатлари ўз ифодасини топган. Қолаверса, кураш томошабоплиги, усуллари қизгин ва жозибадорлиги сабаб муҳлислари ўзига мафтун этмоқда. Эндиги асосий мақсадимиз курашни

2010 йил — Барқамол авлод йили



Ғурур

Наманган вилояти марказидаги 1-Болалар музыка ва санъат мактаби жамоаси ўқув йилини янги замонавий бинода бошлади. Бинокорлар савий-ҳаракати билан барпо этилган ушбу иншоот учун жами 825 миллион сўм маблағ сарфланди.



Музыка мактаби кўркем бинода

Айни чоғда ушбу мактаб учун қиймати 200 миллион сўмлик миллий ва замонавий чолғу асбоблари, ўқув жиҳозлари келтирилди. Ҳозир бу ерда 200 нафар иқтидорли ёш ўзбек халқ чолғулари, фортепьяно, торли асбоблар, анъанавий хонандлик, баян-аккордеон, хореография санъати йўналиши бўйича сабоқ олишмоқда.

Мазкур таълим даргоҳининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни қилиб тарбиялаш йўлида кенг қамровли ислохотлар олиб борилаётганлиги хусусида тўхтадилар.

Маросимда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Қадрият

Хуррият шарофати билан кўҳна ва бой тарихга эга бўлган юртимизда улғувор янгиланган рўй берди. Истиқлолнинг бетакорлиги имкониятларидан рўйга келган ўзгаришларни кўриб, уларга меҳр олиб қўйилган, киши. Бу шуқулги бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлиб, беихтиёр шукроналар айтасиз.

— Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишлар қаторида тарихий обидалар, қўлғу қадимжолар ва зиёратгоҳларнинг ҳам қайта таъмирланиб, файзли масканга айлантирилаётгани қадриятларимиз қадр топиб, ажодларимиз руҳи шодланаётганлигидан далолатдир, — дейди навоийлик Барно бобо Рўзиев. — Улғу боболаримизнинг меросига бўлган эътибор кундан-кунга охиб бораётир. Бу эзгуликка йўғрилган савий-ҳаракатлар келтириб авлодларга ибрат бўлиши мумкин.

Гап шундаки, юртимизнинг бошқа қадимжолари бўлган каби Навоий вилоятидаги қадимий Чашма зиёратгоҳини ҳам гузал масканга, юртининг қўрғи, ифтихорига айлантириш мақсадида хайрли ва кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Чашма зиёратгоҳини қайта таъмирлаш ва мажмуа ҳудудини янада кенгайтириш мақсадида унинг атрофидаги 24 хонадон ва учта хўжалик бино-иншоотлари бошқа жойга кўчирилди.

Шундан сўнгра замонавий лойиҳа бўйича муқаддас қадимжолдаги "Чилустун" ва "Кўкғумбаз" масжидларида ва бу ердаги бошқа иншоотларда тўлиқ қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

— Чашма мажмуасида бошланган қурилиш ишлари нуроталикларни бениҳоя руҳлантириб юборди, — дейди "Шахристон" маҳалла фуқаролик йўлбошқисига раҳбар бўлган Қасимов. Шундан сўнгра давлатида бўлиб ўтган VI халқаро математика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этдим. Жорий йилда эса Қозғистон Республикасининг Остона шаҳрида ўтказилган 51-халқаро математика олимпиадасида билимларимни синовдан ўтказдим ва кумуш медаль соҳиби бўлдим. Мазкур беллашувда жаҳоннинг 96 мамлакатидан 517 нафар вакил иштирок этди. Мутахассислар бизни зукколиги, ҳисоб-китоб амалларини тезкорлигида аниқ бажариши билан эътиборга молик жамоа, дея эътироф этишди. Табиийки, бу бизнинг чет эллик тенгқурларимиз орасида алоҳида ўрнимиз борлигини аниқлади.

Биз келгусида фан олимпиадаларида бундан ҳам юқори натижага эришиш учун астойдил интилишимиз керак. Мен ана шу мақсадимни амалга ошириш ниятида Самарқанд давлат университетининг математика факультетига ҳужжат топшириб, имтиёзли асосда университет талабаси бўлдим. Бу ерда катта тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар сабоқ беришади. Улардан ўрганган ҳолда илм йўлидан бориб, математик олимпиада бўлиш ордусидаман.

Умид ЖҲУРАЕВА.

даги кириш майдони ҳиёбон шаклида бунёд этилди. Шунингдек, марказий майдон ва унинг маркази, беш панжале "Нургулота" кудуги, "Кўкғумбаз" масжидида иш олиб борилди. Бу ерда 64 метрлик миллий ўймакорлик услубидаги айвон ҳам бунёд этилди. Улар қадимдан мавжуд бўлган "Чилустун" жоме масжиди билан бирлаштирилиб, яхлит марказий майдонни ва зиёратчилар учун қулай

харакатлиши имкониятини яратиб берди. Бундан ташқари, Чашманинги жаҳоний томонидан тоғ тизмалари биқинидаги тарихий қалъа қолдиғи бевосита мажмуага келувчи зиёратчиларни қизиқтириши эътиборга олиниб, ушбу қалъада ҳам қурилиш ишлари бажарилди.

— "Чилустун"нинг том қисмида йиғирма бешта гўмбаз бор, — дейди Тошкентдаги "Ижод" хусусий корхонаси бош устаси, мажмуадаги таъмирлаш ишларининг фаол иштирокчиси Ривожиддин Эгамбердиев. — Уларнинг ҳар бирининг айланмаси 18-20 метрни, баландлиги эса 1,5-2 метрни ташкил этади. Ушбу ноёб дурдонанинг эътибори томони шундаки, ўртадаги катта гўмбаз офтобнинг айланишига қараб, беш маҳал намознинг вақтини белгилаб берган. Яъни у соат ўрнини босади. Юртимиз ва хориждан келган зиёратчи сайёҳлар боболаримизнинг

ривчинини қўлга киритдим. Шундан сўнгра Қозғистон давлатида бўлиб ўтган VI халқаро математика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этдим. Жорий йилда эса Қозғистон Республикасининг Остона шаҳрида ўтказилган 51-халқаро математика олимпиадасида билимларимни синовдан ўтказдим ва кумуш медаль соҳиби бўлдим. Мазкур беллашувда жаҳоннинг 96 мамлакатидан 517 нафар вакил иштирок этди. Мутахассислар бизни зукколиги, ҳисоб-китоб амалларини тезкорлигида аниқ бажариши билан эътиборга молик жамоа, дея эътироф этишди. Табиийки, бу бизнинг чет эллик тенгқурларимиз орасида алоҳида ўрнимиз борлигини аниқлади.

Биз келгусида фан олимпиадаларида бундан ҳам юқори натижага эришиш учун астойдил интилишимиз керак. Мен ана шу мақсадимни амалга ошириш ниятида Самарқанд давлат университетининг математика факультетига ҳужжат топшириб, имтиёзли асосда университет талабаси бўлдим. Бу ерда катта тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар сабоқ беришади. Улардан ўрганган ҳолда илм йўлидан бориб, математик олимпиада бўлиш ордусидаман.

Умид ЖҲУРАЕВА.

Умид ЖҲУРАЕВА.

меъморчиликда эришган бу қадар мукамал кашф этилган хайратга тушади.

— Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, ташаббускорлиги ва бунёдкорлиги туфайли бу маскан янада чирой оқди, — дейди Нурота тумани "Нуроний" жамғармасининг раиси Абдулла Раҳимов. — Бир йил давомида олиб боририлган улғувор ишлар давлатимизнинг қудрати ва салохиятидан бир нишондир.

Кайта таъмирдан сўнгра Чашма ариғига ўн йўналишдаги зинапоя орқали тушиб бориш мумкин. Ариқда оқаётган шаффоф сувдаги ширмоҳи балиқлар сокин сузиб, уларга нигоҳ ташлаган кишилар қалбига осудалик бағишлайди. Катта ариқнинг икки томони эса оқ мрамр билан безалган. Мажмуанинги гарбий томонидан узунлиги бир юз йиғирма, баландлиги түрт ярим, эни эса 1,2 метрдан иборат тош девор бунёд этилди. Бу салобатли девор улкан ансамблининг безағи, гўлжази сифатида оройиш топган. Энг асосийси, изиланшлар ва амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида мажмуанинги қадимийлиги билан замонавий ҳолати уйғунлаштирилди.

Бу кўтлуг маскани о б о д о н л а ш т и р и ш ишларида, аниқса, нуроталиклар фидойилик кўрсатишди. Шунингдек, ҳомийлик қилганлар ҳам кўп бўлди. Масалан, "Умирбек" фермер хўжалигининг раҳбари Умрқул Нарзуллаев таъмирлаш ишларига шахсий жамғармаси ҳисобидан ўн миллион сўм маблағ ажратди.

Мажмуада бўлсангиз, хориқлик сайёҳлар ва зиёратчиларнинг юзидида самимий бағлиб турганлигини кўрасиз. Бу Нур булогининг қароматидандир. Чунки вақти-вақти билан ушбу булоқдан нур таралишини кўпчилик хайр билади. Эндиликда Чашма тарихий-меъморий мажмуаси осмон остидаги тинч рангларга йўғрилган мулк ҳолатига келди. Эзгулик ва ёрқинликка интилан эл-улуснинг неча-неча йиллар давомида орзу қилган нияти Истиқлол туфайли рўйга чиқди.

Табият бига ато этган бузрук Чашма энди ўзининг янги қиёфаси билан авлодларга абадий мерос бўлиб қолажак.

Абдураззоқ ҚАРИМОВ, Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари. Ҳасан ПИЙДОВЕВ олган сурат.

АКОБИР ЯНА ПЕШҚАДАМ

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтказилган I Бутунжаҳон жанг санъати ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 та олтин, битта кумуш медални қўлга киритди. Ҳали спортчиларимиз "Тошкент" халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

Нуфузли мусобақа дастуридаги самбо баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган бухоролик Ақобир Курбон (90 кг.) финалда грециялик М. Илиадисни соф галаба билан мағлубиятга учратди. Мамлакатимизнинг номдор полвонларидан ҳисобланган А. Курбон бугунгача самбо бўйича бир неча бор Осиё чемпионлигини қўлга киритган. Жаҳон кубогига ва чемпионатида муваффақиятли иштирок этган. Самбо бўйича баҳсларда катнашган ёш полвонимиз самарқандлик Дамир Муҳидов (68 кг.) ҳам финал беллашувда қозғистонлик Арман Сарсенбиевни 5:0 ҳисобида енгиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Муайтай баҳсларида эса ҳамюртимиз Фирдавс Холмуратов (63,5 кг.) муваффақиятли иштирок этди. Вақилимиз саралаш мусобақаларида Австралия ва Швеция муайтайчиларини мағлубиятга учратди. Финалда эса таиландлик түрт карра жаҳон чемпиони Панупан Танжадга очколар бўйича имкониятини бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланди. Учинчи

ўрин россиялик Гарик Калашян ва шведиялик Мартина Ахтарга nasib этди. Самарқанд муайтай мактаби тарбияланувчиси Ф. Холмуратов мамлакатимизнинг энг иқтидорли муайтайчиларидан ҳисобланади. У шу кунгача бир неча бор жаҳон ва Осиё чемпионатларида зафар қучган. Ўзбекистон терма жамоаси таркибида катта мураббий, халқаро тоифадарга спорт тасиси Раҳматжон Мирзоахунوف қўли остида машғулотлар олиб боради. Фирдавс яқинда пойтахтимиз мезбонлик қилган Осиё чемпионатида ҳам ўз вази тоифасида энг яхши спортчи, деб эътироф этилган эди.

Эслатиб ўтаамиз, I Бутунжаҳон жанг санъати ўйинларида дунёнинг олтидан ортиқ мамлакатидан келган минг нафардан зиёд спортчи айкудо, бокс, дзюдо, жiu-житсу, каратэ, кендо, кикбоксинг, муайтай, самбо, сумо, тазквондо, панкратион, ушу бўйича медаллар учун кураш олиб боришди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мен ўтмиши бой, келажаги буюк, озод ва обод юртининг бахтиёр фарзандиман! Бугун биз, ёшлар кўнглимизда ана шундай гурур ҳисси билан эртанги кунга интилганимиз. Президентимизнинг юксак ишончига муносиб бўлиш, ота-онамизнинг орзу-умидларини рўйга чиқаришдек эзгу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилаёلمиз.

МУҚАДДАС ЗАМИН ФАРЗАНДИМАН!

Ўзим ҳам юрт равнақига муносиб ҳисса қўшсам, эришган ҳар бир ютуғим, муваффақиятим Ватаним шанини янада юксалтиришга хизмат қилса, дейман. Ахир бугун бизнинг ўқиб, илм олишимиз, иқтидор ва салоҳиятимизни мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсида намойён этишимиз учун беқиёс имкониятлар муҳайё қилинмоқда. Таълим олаётган масканимизу хўнара урганаётган даргоҳимиз — бари-бари замонавий қулайликлар билан таъминланганлиги, ҳавасни келтирар даражада муқтадам кўринишга эга бўлиб бораётганлиги бунинг исботидир.

Жорий йилда Самарқанд иқтисод ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейни тамомладим. Ўқув масканимизда мутахассислик фанларини пухта ўзлаштириш билан бир қаторда, хорижий тилларни мукамал ўрганиш, нуфузли халқаро беллашувларга тайёргарлик кўриш, интернет

Ифтихор

орқали замонавий ахборот манбалари билан фойдаланиш, бундан ташқари, дарсдан бўш вақтда спорт билан шуғулланиш ва тўғрақаракда аъзо бўлиб хўнара ўрганиш мумкин. Лицейимиз қошидаги Иқтидорлик ёшлар клубига аъзо бўлиб, математика фанини чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Ва ўтган йили МДҲ ҳамда Болтиқбўйи мамлакатлари ёшларининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган IV халқаро фан олимпиадасида қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритдим.

Умид ЖҲУРАЕВА.

Саломатлик

Янгиерда оилавий поликлиника

Янгиер шаҳрида замонавий оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 400 миллион сўм маблағ сарфланиб, фойдаланилиб турган уч қаватли бино капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, бу ерда энг замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар ўрнатилди. Байрам шуқулги кезиб юрган шу кунларда поликлиника аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (7 сентябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатиламанайди. Кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кузатиламанайди. Тунда 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 17-19, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ФОТОИЖОДКОРЛАР ТАНЛОВИ

Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлимининг Урта Чирчиқ туманидаги курғазмалар залида "Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар" мавзусида вилоят фотоижодкорларининг кўрик-танлови ўтказилди.

"Тасвирий ойна" ва Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил-танлов ишбу тадбирда фотоижодкорларнинг она-замин манзаралари, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самаралари акс этган 500 дан ортиқ сурат лавҳалари намойиш этилди.

Танлов ғолибларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ғолиб ШЕРАЛИЕВ.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Баш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41738 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғистон бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Табриқнинг келган қўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариламанайди.

Реклама материаллари учун табриқнинг жавобгар эмас.

Газета табриқнинг компьютер марказида герилди ҳамда операторлар Ж. Тоғева ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалли

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳамакун — 22.00 Топширилди — 23.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи котиб — А. Орипов. Набатчи муҳаррир — А. Қаримов. Набатчи — Қ. Хидирлов. Мухассад — С. Исломов.

Курсия ая **ҲИҚМАТУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдилади.

1 2 4 5